


Масжид қурилиши ишлари қизғин давом ЭТМОҚДА...



11:01 / 02.08.2018 7470

Маълумки, жорий йилнинг 9 февраль куни мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан янги масжид қуриш ва унга шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номини бериш ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда хабар берилган эди.

Image not found or type unknown



Бугун masjidда қурилиш ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Пойтахтнинг Чилонзор туманида барпо этилаётган ҳамда фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номи бериладиган masjidнинг қурилиши, унинг кўриниши кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Лойиҳага кўра, масжид ҳудуди намозхона, аёллар намозхонаси, таҳорат хоналари, минора, 3 та кириш пештоқи, “Сўгалли Ота” мақбараси, анжуманлар саройи, ташқи ва ички фавворалар, масжид саҳни, автоуловлар учун тўхташ жойи ва ҳ.к.лардан иборат. Умумий ер майдони – 21180,0 м².

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Шунингдек, давлатимиз раҳбари ушбу ҳудудга февраль ойидаги ташрифи чоғида масжид ёнида музей бунёд этиш ва у ерда шайх ҳазратларининг умр йўлига оид қимматли маълумотлар, уларнинг илмий меросини жамлаш лозимлигини таъкидлаб ўтган эди.

Image not found or type unknown






Image not found or type unknown



Худудда ўзгача чирой бахш этувчи Анжуманлар саройи, лойиҳага кўра 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, умумий майдони 591,4 м² ташкил этади.

Image not found or type unknown



Мазкур йирик иншоотнинг лойиҳачиси Karatprojekt ташкилотидир.

Азиз ўқувчилар! Масжид қурилиши жараёни билан давомли тарзда фотолавҳаларда таништириб борамиз.

Image not found or type unknown

